

ҲАЛОЛ

ҲАРОМ

halol.uz

Ҳаром ейиш ва ҳаромдан топиш

Аллох таоло айтади: «Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳак – ҳаром йўллар билан емангиз!..» (Бакара сураси, 188).

Яъни, бир-бирингизнинг молингизни – хаккингизни емангиз.

Ибн Аббос розийаллоҳу анхумо айтадилар: «Яъни, ноҳак, ёлғон касам билан киши биродарининг молини ўзиники килиб олишдан кайтарди».

Бирорвонинг хакини ейиш икки хил бўлади: зулм оркали – тортиб олиш, хиёнат, ўгрилик, хазил ва ўйин оркали – кимор ва бошка бекорчи эрмаклар каби.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам айтдилар: «Айрим кишилар Аллохнинг молига ноҳак шўнгийдилар. Киёмат кунида уларга дўзах бўлур» (Бухорий ривояти).

Пайгамбар соллаллоҳу алайхи васаллам яна айтганлар: «Бир киши узок сафар килади, сочи тўзгиб, уст-боши чанг бўлади. Кўлларини осмонга чўзиб: «Эй Раббим, эй Раббим», дейди. Холбуки, егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийгани ҳаром ва ҳаромдан озикланган. Бас, унинг дуоси кандай ижобат бўлсин» (Муслим ривояти).

Абдуллох ибн Масъуд розийаллоху анхудан ривоят килинади: Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам айтдилар: «Албатта, Аллох ўртангизда ризкларингизни таксимлаганидек, хулкларингизни хам таксимлагандир. Албатта, Аллох дунёни яхши кўрган ва яхши кўрмаган бандаларига бераверади, динни эса фактат яхши кўрган бандасига беради. Аллох кимга динни ато этган бўлса, хакикатда уни яхши кўрибди. Жоним кўлида бўлган Зотга касамки, дили ва тили мусулмон бўлмагунча хеч бир банда мусулмон бўлмайди, то кўшниси «бавоик»идан омонда бўлмагунича иймонли бўлмайди». «Бавоик» нима?» дея сўрашган эди, «Алдов ва зулм», дедилар-да, давом этдилар: «Кайси бир банда харомдан мол топиб уни садака килса, кабул килинмайди, инфок-эхсон килса, баракаси бўлмайди, ўзидан кейин колдирса, дўзах учун хозирлаган озукаси бўлади. Аникки, Аллох ёмонликни ёмонлик билан ўчирмайди, билъакс, ёмонликни яхшилик илиа ўчиради. Шубҳасиз, нопок нопокни ўчирмайди» (Имом Ахмад ва бошкалар ривояти).

Каъб ибн Ужра розийаллоху анхудан ривоят килинади: Пайгамбар соллаллоху алайхи васаллам айтдилар: «Эй Каъб ибн Ужра, ноҳак – харомдан ўсган гўшт (жасад) жаннатга кирмайди» (Ибн Хиббон ривояти).

Оиша (розийаллоху анхо)дан ривоят килинади: «Абу Бакр Сиддик розийаллоху анхунинг хирож тўлайдиган гуломи – кули бор эди. Абу Бакр унинг хирожидан тановул килар эдилар. Бир куни у зот кули томонидан олиб келинган таомни тановул кила бошладилар. Фулом Абу Бакрдан сўради: «Бу нималигини биласизми?» «Йўқ, у нима?» «Жохилиятда бир кишига фол очган эдим. Фолбинлик яхши бўлмаган, мен уни алдаган эдим. Халиги киши йўликиб, ўша ишим учун менга мана шу сиз еган нарсани берди», деган эди, Абу Бакр кўлларини оғизларига тикиб, коринларидаги бор нарсани кайт килиб ташладилар» (Бухорий ривояти).

Абу Бакр Сиддик розийаллоху анхудан ривоят килинади: Расули Акрам соллаллоху алайхи васаллам айтдилар: «Харомдан озикланган хеч бир жасад жаннатга кирмайди» (Абу Яъло, Баззор ва бошкалар ривояти).

Ривоят килинадики, дунё халоватли, ям-яшил маскандин. Кимки унда халол мол топса ва ўрнига сарфласа, бу иши учун Аллох уни мукофотлайди, жаннатига киритади. Кимки дунёда харомдан мол топса ва ноўрин жойга сарфласа, Аллох уни дўзахга туширади. Аллох ва Расулининг молига тажовуз килганлар киёмат кунида дўзахга махкум бўлади. Яна бир ривоятда келадики: «Кимда-ким каердан мол топаётганига эътибор бермаса, Аллох хам уни дўзахнинг кайси эшигидан киришига эътибор бермайди». Шунингдек, кимки ўн дирхамга кийим сотиб олса ва пулнинг бир дирхами харомдан топилган бўлса, модомики, ўша кийим эгнида экан, Аллох унинг намозини кабул килмаслиги ривоят килинган.

Абу Хурайра розийаллоху анху айтадилар: «Сизлардан хар бир киши оғзига тупрок солиши харом лукма солишидан кўра хайрлироқдир».

Юсуф ибн Асбот розийаллоху анху айтганлар: «Агар биронта йигит ибодатга берилса, шайтон ўз ёрдамчиларига: «Каранглар-чи, таоми кандай экан?» дейди. Агар таоми ёмон (харом) бўлса, шайтон: «Уни ўз холига кўйинглар, кийналиб харакат килаверсин.

Сизларга нафси кифоя килади. Харом еб туриб килаётган хатти-харакати унга фойда бермайди», дейди».

Ривоят килинадики: «Хар кеча-кундуз Байтул Макдисда бир фаришта: «Ким харом нарса еса, Аллох ундан нафл ибодатларни хам, фарз ибодатларни хам кабул кilmайди», деб нидо килади».

Абдуллох ибн Муборак айтганлар: «Шубхали бир дирхамни тарк этишим юз минг дирхам садака килишимдан кўра афзалроқдир».

Вахб ибн Вард айтадилар: «Гарчи устундек коим бўлсанг хам, то корнингга халолми ёки харомми – нима кираётганига карамас экансан, фойдаси йўк».

Ибн Аббоснинг бу хусусидаги сўзлари га кулок тутинг: «Аллох таолога тавба килмагунича, корнида харом лукмаси бўлган кишининг намозини Аллох кабул килмайди». Суфёни Саврий розийаллоху анху айтганларки: «Кимда-ким тоат учун харом нарсани инфок-эхсон килса, худди кийимни бавл ила ювгандек бўлади. Кийимни факатгина сув поклайди. Гунох эса факатгина сабабли халол ювилади».

Умар розийаллоху анху дейдилар: «Биз харом иш килишдан кўркиб, ўнта халолдан тўккизтасини тарк килардик».

Ривоят килинишича, ким харом мол-дунё билан хаж килса ва «лаббайка» деса, бир фаришта: «Сенга «лаббайка» бўлмасин, хажинг мардуддир (яъни макбул эмас)», дейди. Солихлардан бири вафот этгандан сўнг, бир киши уни тушида кўриб: «Аллох сизга кандай муомала килди?» деб сўраган экан, у киши: «Яхши. Бирок, мен бирордан карзга игна олиб, кайтармаган эдим. Шу игна туфайли жаннатга киролмай турибман», деб жавоб берибди.

Уламолар фатаволарида куйидаги сўзлар бор: «Хоин, алдокчи, ўгри, баттол, фоиз оловчи (судхўр) ва берувчи, етим молини еювчи, ёлгон гувохлик берувчи, карзга бирон нарса олиб, ундан тонувчи, порахўр, ўлчов ва тарозидан уриб колувчи, молининг айбини яшириб сотувчи, киморбоз, сеҳргар, мунажжим, фохиша, дод солиб йигловчи, сотувчидан сўрамай хакини олиб колувчи даллол ва хур-озод одамни сотиб пулинини еювчи кимсалар хам бошкаларнинг хакини ноҳак еювчилар сирасига киради».

Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам айтдилар: «Киёмат кунида айрим кишиларни олиб келишади. Уларнинг Тухома тогича келадиган яхшиликлари бўлади. Улар келтирилгач, Аллох уларнинг яхшиликларини тўзгиган губорга айлантириб кўяди-да, ўзлари дўзахга улоктирилади». «Ё Расулulloх, бундай бўлишининг боиси недур?» дея сўрашган эди: «Улар намоз ўкир, рўза тутар ва хаж килар эдилар. Бирок, улар бирон-бир харом нарсага дуч келсалар, уни олишар эди. Шу боис, Аллох уларнинг амалларини бехуда килади», деб жавоб бердилар» (Табароний ривояти).

Аллох таолодан афв, оғият ва Ўзи суйган, рози бўлган ишларга муваффак килишини тилаймиз. Албатта, У саховатли, марҳаматли, меҳрибон ва раҳмли зотдир.

Имоми Хофиз Шамсуддин Захабийнинг
"Гунохи кабиралар" китобидан